

**МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF LEGISLATION ON THE ENFORCEMENT
PROCEEDINGS OF ADMINISTRATIVE JUDICIAL ACTS**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ИСПОЛНИТЕЛЬНОМ
ПРОИЗВОДСТВЕ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДЕБНЫХ АКТОВ**

Рўзиева Азиза

Аннотация: ушбу мақолада маъмурий суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонунчилик, ижро органларининг шаклланилиши, ривожланиш босқичлари ва истиқболлари маҳаллий ва хорижий амалиёт асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: суд ҳужжати, маъмурий процесс, амири-хорис, ижро, миршаб, шериф, суд ижрочиси, давлат ижрочиси, департамент, пристав, маршал, ижрочилар хизмати, штат судлар, федерал судлар.

Аннотация: в данной статье анализируется законодательство об исполнении административных судебных актов, формирование органов исполнительной власти, этапы развития и перспективы на основе местной и зарубежной практики.

Ключевые слова: судебный акт, административное производство, амир-хорис, исполнение, миршаб, шериф, судебный пристав, государственный судебный пристав, департамент, исполнительная служба, суды штатов, федеральные суды.

***Annotation:** this state analyzes the legislation on the execution of administrative judicial acts, the formation of executive authorities, stages of development and prospects based on local and foreign practice.*

***Key words:** judicial act, administrative proceedings, amir-horis, execution, mirshab, sheriff, bailiff, state bailiff, department, executive service, state courts, federal courts.*

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланаб бораётгани бугунги кунда жамиятда одил судлов ўрни ва ролининг сезиларли даражада ошиши билан изоҳланади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, шу жумладан қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон

ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамлашга, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишга қаратилган.

Ислоҳотлар натижасида белгилаб берилган устувор йўналишлар самараси суд ҳокимияти мустақиллиги, очиқлиги ва шаффофлиги, шунинг суд ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминланиши қаторида, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада кучайтирди.

Таъкидлаш лозимки, ислоҳотлар негизи даставвал, фуқаролар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг бузулган ҳуқуқларини тиклаш билан бир қаторда ижтимоий адолатни ўрнатиш орқали қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Айниқса, маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослангандир бўлиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши билан бир қаторда суд ҳужжатларини ўз вақтида ижро этилиши - маъмурий процессуал қонунчилик талабидир.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси этиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш белгиланган.

Бу вазифани бажаришда суд ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарихдан аёнки, илк бор суд қарорларининг ижросини таъминловчи мансабдор шахслар IX-X асрларда фаолият юрита бошлаган. Бундай мансабдор шахслар “Амири-хорис”лар деб номланган, улар амирнинг барча фармонларини ижро этишга масъул бўлган. Фармонлар ижроси билан шуғулланувчи масъул мансабдор шахслар яшаши ва ишлаш шароити учун барча зарур буюмлар билан таъминлангани, “Амири-хорис”ларга нисбатан барча ҳурматда бўлганлигини Низомулмулк ўзининг тарихий “Сиёсатнома” асарида ҳам таъкидлаб ўтган³³. Кейинчалик суд ҳужжатларининг ижроси миршаблар зиммасига юклатилган. Ўзбекистон ҳудудлари XIX аср охирларида чор Россияси маъмурий тузилмаси ҳисобланиб, Туркистон генерал губернаторлиги таркибига киритилгандан сўнг, суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида судлар ҳузурида суд пристави лавозими таъсис этилган³⁴.

³³ Низомулмулк. “Сиёсатнома”. Тошкент “Янги аср авлоди. 2008 й. б-156

³⁴ Ўзбекистон халқларининг тарихи 1-том. Проф. К.В.Тревер, проф. А.Ю.Якубовский ва фан кандидати М.Э.Воронец. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1950 й. б-247

Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари фаолият юрита бошлашган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ташкил этилган.

Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари ижро ҳокимияти вакили ҳисобланиб, ижро ҳаракатларини барча ижро ҳужжатлари учун ягона тартибни ўрнатувчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини қўллаб ўз фаолиятини амалга оширишмоқда.

Жаҳон амалиётига назар солсак, суд қарорларининг ижросини юритиш соҳасини такомиллаштиришда ҳар бир давлатнинг ўзига хос механизми мавжуд.

Ваҳоланки, хориж мамлакатларида ижро фаолиятини Мажбурий ижро бюроси, Суд пристави федерал хизмати, Департамент, Ҳудудий ва Миллий палата, Маршал хизмати, Агентлик ва бошқа махсус идоралар олиб боради.

Хорижий мамлакатларда давлат ва нодавлат ижрочилар тузилмалари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин, Германияда суд ҳузуридаги регистраторлар, Исроилда эса магистрат суди қошидаги ижрочилар хизмати, Франция, Бельгия, Люксембургда Суд ижрочилари бошқармаси каби органлар (тузилмалар)да суд ижрочилари ва ёки махсус лицензияга эга бўлган хусусий шахслар (ижрочилар) фаолият юритади.

Айрим мамлакатларда хусусан, Италия, Франция, Латвия, Люксембург, Словения, Словакия, Литва, Польша, Руминия, Эстония, Нидерландияда ижро ишини давлат хизматчилари эмас, балки махсус органлар томонидан берилган лицензия асосида хусусий ижрочилар мустақил равишда амалга оширишади. Улар ўз фаолиятида ўзини ўзи бошқариш ваколати берилган ҳудудий ва миллий палаталарга бўйсундилар. Хитойда ижро фаолияти суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Россия Федерациясида Суд пристави федерал хизмати мавжуд бўлиб, ижро ҳаракатлари федерал хизматнинг суд ижрочилари-приставлари томонидан амалга оширилади.

Қўшни Республика Қозоғистонда эса “Ижро иши юритуви ва суд ижрочиларининг мақоми тўғрисида”ги 2010 йил 2 апрелда қабул қилинган Қонунга кўра, ижро ҳаракатлари давлат суд ижроси ва хусусий суд ижроси томонидан бажарилади.

Арманистонда Мажбурий ижро хизмати ташкил этилган бўлиб, бу орган Адлия Вазирлиги ҳузурида ҳисобланади, Мажбурий ижро хизматининг суд ижрочилари ижро ҳаракатларини олиб боради.

Америка Қўшма Штатларида маъмурий суд ҳужжатлари ижро тизими, уни ташкил этиш ва тартибга солиш амалиёти бизни қонунчилигимиздан сезиларли даражада фарқ қилади.

АҚШ штатлардан ташкил топган федерация бўлиб, иккита суд тизимига эга.

1.Федерал судлар;

2.Штат судлари

Штатлар орасида қарорлар чиқариш ва уларни ижроси билан боғлиқ алоҳида қонунчилик мавжуд, улар сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилади.

Федерал ва штат судларида ҳам ижро ҳокимиятидан судга бўйсунувчи хизматчилар бўлиб, улар биздаги давлат ижрочилари билан ваколат жиҳатидан тенг.

Штатларда бу каби ижрочилар шерифлар, федерал судларда маршал деб номланади³⁵.

Суд қарори мажбурий характерга ва индивидуал тусга эга бўлган ҳужжатдир. Чунки, суд қарор қабул қилгунга қадар тегишли нормаларга асосланиб фаолият олиб боради, у бир жараён сифатида кечади ва бу жараён натижаси, якуни сифатида қарор қабул қилади.

Шу тариқа суд қарори - бу судларнинг мураккаб ва кўп босқичли ҳуқуқни қўллаш жараёнининг охири босқичи, унинг якуни ҳисобланади.

Ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгилайдиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, ҳукм ва қарорлар чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришади ва давлат – ҳуқуқий ваколатларини амалга оширади.

Ваҳоланки, суднинг ҳужжати кириш, асослантирувчи, хулоса ва қарор қисмидан иборат бўлиб, қарор қисмида якуний хулоса - суд қарори баён этилади. Суд ҳужжатларини ҳуқуқий таъсир этиши характери айнан шу қисмида белгиланади.

Маъмурий суд томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни кўриш натижаси бўйича тегишли қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган ҳолларда суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори (қарори) асосида амалга оширилади.

³⁵ У.А.Тухташева Ижро иши юритиш дарслик. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008.

Бундай ҳолда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Суд қарорини ижро этиш борасида юзага келадиган ижровий муносабатларда ҳуқуқий муносабат ўз давомини топиши мумкин. Бу ҳолда кучга кирган суд қарори ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ва барҳам топиши билан боғлиқ ҳолат сифатида намоён бўлади. Бу ҳолда ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлиб, суд қарорларини мажбурий ижро эттириш органлари ва суд қарори талабларини бажаришга дахлдор орган ва ташкилотлар ҳисобланади ва улар томонидан суд қарори ижро этилгач, ҳуқуқни амалга ошириш жараёни якунланади.

Маъмурий органларнинг ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари юзасидан ижро варақаси берилиш қонунчилиқда назарда тутилмаган бўлса-да, зарарлар ундирилган тақдирда, ушбу зарарларни ҳамда ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини (почта харажатлари, экспертизани ўтказиш харажатлари, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа харажатларни) ундириш тўғрисидаги ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг берилади. Суд ҳужжатининг ижроси қонунда назарда тутилган муддатларда бажарилмаган тақдирда, аризачи тегишли мансабдор шахсни суд ҳужжати ижросини таъминламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш мазмунидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ижро иши юритиш аҳамияти унда қонунчилиқда назарда тутилган тартибда қарздорга нисбатан ундирувчининг қонуний талабларини қондиришга қаратилган чоралар қўллашдан иборатдир. Ижро иши юритиш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширишнинг якунловчи босқичи.

Шу боис ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш, суд қарорларини ижросини ўз вақтида таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.